

МУҚАДДИМА

Нашир масъул муҳарриридан

Бу китоб биз ўша, унинг ўзи кўп марта қўллаган ибора билан, яъни «Чўл бўриси» деб атаган одамдан қолган эсдалик хотиралардан иборат. Унинг қўлэзмасига кириш сўзи зарурми-йўқми, буни кўятурайлик; ҳар ҳолда камина уни эслашга, хотирлашга уриниб кўришга, шу тариқа Чўл бўрисининг ёзиб қолдирганларига баъзи бир нарсаларни илова қилишга эҳтиёж сезаяпман. Унинг ҳақида жуда кам биламан, унинг бутун ўтмиши ва келиб чиқиши эса менга қоронгулигича қолган. Бироқ унинг шахсияти менда кучли ва, яширмасдан айтишим керакки, кўнгилли таассурот қолдирганди.

Чўл бўриси, эллик ёшлар атрофидаги киши, кунларнинг бирида холамникига келиб, ижарага жиҳозли хона излаб юрганини айтган. У юқоридан болохона ва унинг ёнидаги ётоқхонани ижарага олди. Бир неча кундан кейин қўлида иккита чамадон ва китобга тўла катта кути билан келиб, бизникида тўққиз ё ўн ойча яшади. У жуда осойишта, ўзи билан ўзи андармон бўлиб яшарди. Ётоқхоналаримизнинг ёнма-ёнлиги сабаблими, зинада ё йўлакда баъзан рўпара келиб, кўришиб турмаганимизда агар, билмадим, бир-биримизни умуман танимаган, билмаган бўлармидик, чунки бу одам камгап ва шу қадар, мен ҳали ҳеч бир кимсада кузатмаган даражада одамови, ҳақиқатан ҳам, ўзини ўзи баъзан атаганидек, Чўл бўриси, менга қараганда бошқа бир оламдан бўлган, бегона, ёввойи ва журъатсиз, ҳаттоки жуда бир юраксиз зот эди. Унинг истеъдоди ва тақдири сабаб нақадар ёлғиз ва ғарибона ҳаётга кўникиб кетганлиги, ўзи бу ёлғизликни онгли равишда қисмат деб билишлигини, албатта мен унинг қолдириб кетган ёзишмаларидангина билиб олдим; шундай бўлса-да, мен у билан илгариги учрашув ва суҳбатлар орқали ҳам ҳарқалай бир оз, бир нави танишгандим, хуллас, шахсан танишлигимиз ва унинг ёзиб қолдирганлари бир бўлиб, унинг ҳақида тўлиқ бўлмаган, хира тасаввур кўз ўнгимда намоён бўлди.

Чўл бўриси холамникига биринчи бор келганида мен ҳам тасодифан уйда эдим. Ўшанда у тушки пайт келган, устол устида

ликоблар турарди. Ишхонага боришимга яна ярим соат вақтим бор эди. У билан илк бор рўбарў келишдан ҳосил бўлган ажиб, ғалати ва иккиёклама таассурот ҳамон ёдимда. У қўнгиروقни тортиб чалдида, ойнаванд эшикдан кириб келди. Нимқоронги даҳлизда холам ундан муддаоси нелигини сўради. У, Чўл бўриси эса, жавоб ўрнига калта сочли бошини юқорига чўзиб, чор-атрофни асабий димоғи билан искаб кўрди-да, деди: – О, бу ернинг ҳавоси муаттар экан. – Ва кулимсиради. Бунга жавобан холам ҳам жилмайди, бироқ менга бу салом-алик кулгили туюлди ва ичимда уни яниб қўйдим.

– Ҳа-я, – деди у, – менга хона керак эди, агарда, ижара қўядиган бўлсангиз.

Учаламиз зинадан юқорига кўтарилганимиздан сўнггина, мен у одамни аниқ-тиниқ кўра олдим. Унинг бўйи у қадар баланд эмас, лекин юриши ва бошини тутиши новча одамларни эслатарди. Эгнида замонавий қишки пальто, ўзи баодоб, бамаъни, бироқ палапартиш кийинган, соқоли силлиқ тарашланган, калта сочининг у ер-бу ерига оқ оралаган. Юриши бошда менга умуман ёқмади; оғир ва қатъиятсиз қадам ташлар, бу эса унинг ташқи кўриниши ва нутқидаги оҳанг ҳамда жўшқинликка мутлақо мос келмасди. Унинг касал эканлиги, юриш эса унга малол келишлигини мен кейинроқ билдим. Зина, деворлар ва деразаларни, зинахонадаги эски, баланд жавонларни кўздан кечираркан, у ўзига хос, ғалати жилмайди, буям менга ўшанда ёқимсиз туюлганди. Буларнинг барчаси унга ёққан ва айни пайтда қандайдир кулгили туюлаётганга ўхшарди. Умуман, бу одам бизда шундай таассурот қолдирдики, гўё у бошқа, ўзга оламдан, ажнабий юртлардан келган-у, бизникидаги ҳамма нарса унга гўзал, шу билан бирга, бир оз кулгили кўринарди. У, айтиш мумкинки, очик, хушмуомалали киши эди. Уй, хона, ижара ҳақи, нонушта ва бошқа барча нарсалар унга сўзсиз маъқул бўлганди. Бироқ шунга қарамай, ундан аллақандай ётсираш, нима десамикин, совуқликми, ёвузликми, шунга ўхшаш нимадир уфуриб турарди. У хонани, ётоқхонани ҳам қўшиб ижарага олди, иситиш тизими, сув, хизмат кўрсатиш ва уйдаги тартиб-интизом ҳақида сўраб-

суриштирди. барча гапларни диққат-эйтибор ва очик чеҳра билан тинглади, ҳаммасига рози бўлди ва ҳатто ижара ҳақини олдиндан тўлаб қўйишга ҳам тайёр эканлигини билдирди. Лекин барибир, унда нимадир етишмаётгандек, феъл-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракатида ғалатилик, нождидийлик сезилар, гўё унга ижара туриш, одамлар билан олмон тилида сўзлашиш қандайдир ғаройиб янгиликдек туюлар, шу аснода у ботинан ва зоҳиран бошқа бир нималар билан андармондек кўринарди. Хуллас, менинг таассуротим шундайин эди ва унга, агар турли-туман хусусият, сифат ва фазилатлар ўзаро қориштирилиб, тузатиш киритилмаганида, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Энг аввало, у менга бошданок ёкиб қолган инсон қиёфаси эди; бегоналик барқ уриб турганига қарамасдан, у – балки бир оз ўзига хос ва маънос, ғамгин, бироқ сезгир, ўйчан, қоришиқ ва улуғвор қиёфа, менга ёққанди. Иннайкейин десангиз, ундаги хушмуомалалик ва илтифотда, гарчи булар унга бир қадар малол келаётгандек туюлса-да, такаббурликдан асар ҳам йўқ – аксинча, бир оз таъсирчанликми, ўтинчми, илтижоми, шунга ўхшаш нимадир мужассам эди. Буларнинг бари – мен уларни кейинроқ тушуниб етган бўлсам-да, – ўшанда унга нисбатан менда хайрихоҳлик уйғотганди.

Иккала хонани кўздан кечириб улгурмасимиздан ва бошқа музокаралар поёнига етмасдан, менинг тушлик вақтим тугаб, ишга боришимга тўғри келди. Ва мен хайрлашиб, уни холам ихтиёрига қолдирдим. Кечқурун ишдан қайтгач, холам менга мусофир ижарада турадиган бўлганини, шу кунларда кўчиб келишини, фақат унинг бир илтимоси борлигини сўзлаб берди; у ҳам бўлса, унинг келишини полициядагилар билмай қўяқолсин экан. Сабаби, унинг – касалманд одамнинг ортиқча расмиятчилик ҳамда полиция маҳкамаси эшигида сарғайиб туриш ва ҳоказоларга сира тоқати йўқмиш. Ўшанда бу илтимосга қанчалик хайрон қолганим ва холамини бу шартга қўнмаслиги юзасидан огоҳлантирганим ҳануз кечагидек эсимда. Ундаги ишончсизлик ва ётсираш, бунинг устига полициядан ҳадиксираши менда қандайдир шубҳа туғдирганди. Ва мен холамга, бу ғалати, тушунарсиз талабга,

башарти уни бажарган тақдирда ўзи учун хунук оқибатлар юзага келиши мумкинлигини тушунтириб, ҳеч қандай рози бўлмастикни уқтирдим. Бироқ кейин маълум бўлишича, холам мусофирга маҳлиё бўлиб, тилидан илинган, унинг истак-хоҳишини бажо қилишга аллақачонок розилик бериб бўлган экан; чунки холам ўзи умуман илгаритдан ижарачиларга одамгарчилик, хушмуомала, илтифот, холамгагина ва кўпроқ оналарга хос бўлган мехр-оқибат кўрсатар, бундан эса баъзилар ўз вақтида фойдаланиб ҳам қолишарди. Шунданми, дастлабки ҳафталарда мен янги ижарачимиздан камчилик излаб, нолийверсам, холам ҳар гал уни ўз ҳимоясига оларди.

Полицияга хабар бермаслик ҳақидаги гап менга унча ўтиришмаганиданми, ҳарқалай холамдан нотаниш кимса ҳақида, унинг келиб чиқиши-ю, ният-мақсадлари тўғрисида нималар билишлигини сўраб-суриштирдим. Гарчи мен ўшанда туш пайтида хайрлашиб чиқиб кетганимдан сўнг, у ҳам уйда узок қолмаган бўлса-да, холам ҳарқалай мусофир ҳақида ул-бул нарсани билиб олишга улгурибди. Унинг айтишича, шаҳримизда бир неча ой бўлиб, кутубхоналардан фойдаланаркан ва шаҳар осоритикаларини томоша қиларкан. Аслида унинг шу қадар қисқа фурсат ижарага туриши холамга ҳам унча тўғри келмас, бироқ у ўзининг ғалати муомаласига қарамасдан холамни ўз томонига оғдириб олганди, чамаси. Қисқаси, хоналар ижарага топширилди, менинг эътирозларим эса, кеч эди.

– У нима учун, бу ернинг ҳавоси муаттар экан, дедийкин? – сўрадим мен.

Шунда, кўп нарсани олдиндан сезадиган холам:

– Буни мен аниқ биламан, - деди. – Бизникида озодалик, саранжом-саришталик ва хушхулқ, бамаъни ҳаётнинг изи сезилиб турибди. У гўё бундай ҳаётга кўникмаган, бундай ҳаётдан маҳрум бўлган кўринади.

Бўлиши мумкин, ўйладим ўзимча. Лекин, дедим мен, борди-ю, саранжом-сариштали ва баодоб турмушга ўрганмаган бўлса, унда нима бўлади? Искирт, палид бўлса-чи, ҳаммаёқни булғаб

суриштирди. барча гапларни дикқат-эътибор ва очик чехра билан тинглади, ҳаммасига рози бўлди ва ҳатто ижара ҳақини олдиндан тўлаб қўйишга ҳам тайёр эканлигини билдирди. Лекин барибир, унда нимадир етишмаётгандек, феъл-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракатида галагилик, ножддийлик сезилар, гўё унга ижара туриш, одамлар билан олмон тилида сўзлашиш қандайдир ғаройиб янгиликдек туюлар, шу аснода у ботинан ва зоҳиран бошқа бир нималар билан андармондек кўринарди. Хуллас, менинг таассуротим шундайин эди ва унга, агар турли-туман хусусият, сифат ва фазилатлар ўзаро қориштирилиб, тузатиш киритилмаганида, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Энг аввало, у менга бошданок ёкиб қолган инсон қиёфаси эди; бегоналик барқ уриб турганига қарамасдан, у – балки бир оз ўзига хос ва маъюс, ғамгин, бироқ сезгир, ўйчан, қоришиқ ва улугвор қиёфа, менга ёққанди. Иннайкейин десангиз, ундаги хушмуомалалик ва илтифотда, гарчи булар унга бир қадар малол келаётгандек туюлса-да, такаббурликдан асар ҳам йўқ – аксинча, бир оз таъсирчанликми, ўтинчми, илтижомми, шунга ўхшаш нимадир мужассам эди. Буларнинг бари – мен уларни кейинроқ тушуниб етган бўлсам-да, – ўшанда унга нисбатан менда хайрихоҳлик уйғотганди.

Иккала хонани кўздан кечириб улгурмасимиздан ва бошқа музокаралар поёнига етмасдан, менинг тушлик вақтим тугаб, ишга боришимга тўғри келди. Ва мен хайрлашиб, уни холам ихтиёрига қолдирдим. Кечқурун ишдан қайтгач, холам менга мусофир ижарада турадиган бўлганини, шу кунларда кўчиб келишини, фақат унинг бир илтимоси борлигини сўзлаб берди; у ҳам бўлса, унинг келишини полициядагилар билмай қўяқолсин экан. Сабаби, унинг – касалманд одамнинг ортиқча расмиятчилик ҳамда полиция маҳкамаси эшигида сарғайиб туриш ва ҳоказоларга сира тоқати йўқмиш. Ўшанда бу илтимосга қанчалик ҳайрон қолганим ва холамини бу шартга кўнмаслиги юзасидан огоҳлантирганим хануз кечагидек эсимда. Ундаги ишончсизлик ва ётсираш, бунинг устига полициядан ҳадиксираши менда қандайдир шубҳа туғдирганди. Ва мен холамга, бу ғалати, тушунарсиз талабга.

башарти уни бажарган такдирда ўзи учун хунук окибатлар юзага келиши мумкинлигини тушунтириб, ҳеч қандай рози бўлмастикни уқтирдим. Бирок кейин маълум бўлишича, холам мусофирга маҳлиё бўлиб, тилидан илинган, унинг истак-хоҳишини бажо қилишга аллақачонок розилик бериб бўлган экан; чунки холам ўзи умуман илгаритдан ижарачиларга одамгарчилик, хушмуомала, илтифот, холамгагина ва кўпроқ оналарга хос бўлган меҳроқибат кўрсатар, бундан эса баъзилар ўз вақтида фойдаланиб ҳам қолишарди. Шунданми, дастлабки ҳафталарда мен янги ижарачимиздан камчилик излаб, нолийверсам, холам ҳар гал уни ўз ҳимоясига оларди.

Полицияга хабар бермаслик ҳақидаги гап менга унча ўтиришмаганиданми, ҳарқалай холамдан нотаниш кимса ҳақида, унинг келиб чиқиши-ю, ният-мақсадлари тўғрисида нималар билишлигини сўраб-суриштирдим. Гарчи мен ўшанда туш пайтида хайрлашиб чиқиб кетганимдан сўнг, у ҳам уйда узок қолмаган бўлса-да, холам ҳарқалай мусофир ҳақида ул-бул нарсани билиб олишга улгурибди. Унинг айтишича, шаҳримизда бир неча ой бўлиб, кутубхоналардан фойдаланаркан ва шаҳар осоритикаларини томоша қиларкан. Аслида унинг шу қадар қисқа фурсат ижарага туриши холамга ҳам унча тўғри келмас, бироқ у ўзининг ғалати муомаласига қарамасдан холамни ўз томонига оғдириб олганди, чамаси. Қисқаси, хоналар ижарага топширилди, менинг эътирозларим эса, кеч эди.

– У нима учун, бу ернинг ҳавоси муаттар экан, дедийкин? – сўрадим мен.

Шунда, кўп нарсани олдиндан сезадиган холам:

– Буни мен аниқ биламан, - деди. – Бизникида озодалик, саранжом-саришталик ва хушхулқ, бамаъни ҳаётнинг изи сезилиб турибди. У гўё бундай ҳаётга кўникмаган, бундай ҳаётдан маҳрум бўлган кўринади.

Бўлиши мумкин, ўйладим ўзимча. Лекин, дедим мен, борди-ю, саранжом-сариштали ва баодоб турмушга ўрганмаган бўлса, унда нима бўлади? Искирт, палид бўлса-чи, ҳаммаёқни булғаб

суриштирди. барча гапларни диққат-эътибор ва очик чеҳра билан тинглади, ҳаммасига рози бўлди ва ҳатто ижара ҳақини олдиндан тўлаб қўйишга ҳам тайёр эканлигини билдирди. Лекин барибир, унда нимадир етишмаётгандек, феъл-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракатида ғалатилик, ножиддийлик сезилар, гўё унга ижара туриш, одамлар билан олмон тилида сўзлашиш қандайдир ғаройиб янгиликдек туюлар, шу аснода у ботинан ва зоҳиран бошқа бир нималар билан андармондек кўринарди. Хуллас, менинг таассуротим шундайин эди ва унга, агар турли-туман хусусият, сифат ва фазилатлар ўзаро қориштирилиб, тузатиш киритилмаганида, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Энг аввало, у менга бошданок ёкиб қолган инсон қиёфаси эди; бегоналик барқ уриб турганига қарамасдан, у – балки бир оз ўзига хос ва маънос, ғамгин, бироқ сезгир, ўйчан, қоришиқ ва улуғвор қиёфа, менга ёққанди. Иннайкейин десангиз, ундаги хушмуомалалик ва илтифотда, гарчи булар унга бир қадар малол келаётгандек туюлса-да, такаббурликдан асар ҳам йўқ – аксинча, бир оз таъсирчанликми, ўтинчми, илтижоми, шунга ўхшаш нимадир мужассам эди. Буларнинг бари – мен уларни кейинроқ тушуниб етган бўлсам-да, – ўшанда унга нисбатан менда хайрихоҳлик уйғотганди.

Иккала хонани кўздан кечириб улгурмасимиздан ва бошқа музокаралар поёнига етмасдан, менинг тушлик вақтим тугаб, ишга боришимга тўғри келди. Ва мен хайрлашиб, уни холам ихтиёрига қолдирдим. Кечкурун ишдан қайтгач, холам менга мусофир ижарада турадиган бўлганини, шу кунларда кўчиб келишини, фақат унинг бир илтимоси борлигини сўзлаб берди; у ҳам бўлса, унинг келишини полициядагилар билмай қўяқолсин экан. Сабаби, унинг – касалманд одамнинг ортикча расмиятчилик ҳамда полиция маҳкамаси эшигида сарғайиб туриш ва ҳоказоларга сира тоқати йўқмиш. Ўшанда бу илтимосга қанчалик ҳайрон қолганим ва холамини бу шартга кўнмаслиги юзасидан огоҳлантирганим ҳануз кечагидек эсимда. Ундаги ишончсизлик ва ётсираш, бунинг устига полициядан ҳадиксираши менда қандайдир шубҳа туғдирганди. Ва мен холамга, бу ғалати, тушунарсиз талабга,

башарти уни бажарган тақдирда ўзи учун хунук оқибатлар юзага келиши мумкинлигини тушунтириб, ҳеч қандай рози бўлмастикни уқтирдим. Бирок кейин маълум бўлишича, холам мусофирга маҳлиё бўлиб, тилидан илинган, унинг истак-хоҳишини бажо қилишга аллақачоноқ розилик бериб бўлган экан; чунки холам ўзи муман илгаритдан ижарачиларга одамгарчилик, хушмуомала, илтифот, холамгагина ва кўпроқ оналарга хос бўлган меҳроқибат кўрсатар, бундан эса баъзилар ўз вақтида фойдаланиб ҳам қолишарди. Шунданми, дастлабки ҳафталарда мен янги ижарачимиздан камчилик излаб, нолийверсам, холам ҳар гал уни ўз ҳимоясига оларди.

Полицияга хабар бермаслик ҳақидаги гап менга унча ўтиришмаганиданми, ҳарқалай холамдан нотаниш кимса ҳақида, унинг келиб чиқиши-ю, ният-мақсадлари тўғрисида нималар билишлигини сўраб-суриштирдим. Гарчи мен ўшанда туш пайтида хайрлашиб чиқиб кетганимдан сўнг, у ҳам уйда узок қолмаган бўлса-да, холам ҳарқалай мусофир ҳақида ул-бул нарсани билиб олишга улгурибди. Унинг айтишича, шаҳримизда бир неча ой бўлиб, кутубхоналардан фойдаланаркан ва шаҳар осоритикаларини томоша қиларкан. Аслида унинг шу қадар қиска фурсат ижарага туриши холамга ҳам унча тўғри келмас, бирок у ўзининг ғалати муомаласига қарамасдан холамни ўз томонига оғдириб олганди, чамаси. Қискаси, хоналар ижарага топширилди, менинг эътирозларим эса, кеч эди.

– У нима учун, бу ернинг ҳавоси муаттар экан, дедийкин? – сўрадим мен.

Шунда, кўп нарсани олдиндан сезадиган холам:

– Буни мен аниқ биламан, - деди. – Бизникида озодалик, саранжом-сарихталиқ ва хушхулқ, бамаъни ҳаётнинг изи сезилиб турибди. У гўё бундай ҳаётга кўникмаган, бундай ҳаётдан маҳрум бўлган кўринади.

Бўлиши мумкин, ўйладим ўзимча. Лекин, дедим мен, борди-ю, саранжом-сарихтали ва баодоб турмушга ўрганмаган бўлса, унда нима бўлади? Искирт, палид бўлса-чи, ҳаммаёкни булғаб

ташлайверса, ё бўлмасам, уйга нукул ичиб, маст-аласт келаверса-чи, унда нима қиламиз?

– Буни ҳали кўрамиз, – деди холам ва жилмайиб қўйди, мен эсам шу билан кифояландим.

Ҳақиқатан ҳам менинг ҳадикларим асоссиз бўлиб чиқди. Ижарачи, гарчи у ҳеч қанақанги батартиб ва бамаъни ҳаёт кечирмаса-да, бизга на оғирлиги тушди, на зиёни тегди. Уни биз ҳалиям яхши ном билан эслаймиз. Ботинан бу одам бизни, холам билан менинг вужуд-вужудимизни, бутун кўнглимизу, қалбимизни ағдар-тўнтар қилиб юборган ва, гапнинг очиғи, бундан ҳалиям ҳалос бўлолганимча йўқ. Кечалари баъзан уни ўйлаб кетаман ва шундай зот мавжудлигидан, гарчи у менга азиз бўлиб қолган бўлса-да, вужуд-вужудимни алғов-далғов ва бесаранжом сезаман.

Орадан икки кун ўтиб, извошчи мусофирнинг – унинг исми-шарифи Ҳарри Ҳаллер эди – нарсаларини олиб келди. Улар орасида ажойиб чарм чамадон менда яхши таассурот қолдирди. Яна бир ясси сафар чамадони ҳам бўлиб, унга турли-туман, ҳатто уммонорти мамлакатларининг меҳмонхоналари ва нақлиёт ширкатларининг фирма белгилари ёпиштириб ташланган эди. Улар сарғайиб кетганлигидан чамадон соҳиби илгари кўп сафар ва саёҳатларда бўлгани сезилиб турарди.

Ниҳоят, унинг ўзи ҳам кириб келди. Ва мен бу галати, ажабтовур одамни аста-секин ўргана бошладим. Аввалига бу борада ўзим ҳеч бир ишга қўл урмадим, десам ҳам бўлади. Гарчи мен Ҳаллерга, унга кўзим тушган илк дақиқаданоқ қизиқиб қолган бўлсам-да, биринчи ҳафталар мобайнида уни учратиб, суҳбатлашишга ҳафсала қилмадим. Шундай бўлса-да, буни очик тан олишим керак, аввалбошданоқ мен бу кишини бир оз кузатиб юриб, баъзан унинг йўқлигида хонасигаям кирганман ва умуман, азбаройи қизиқишим туфайли оз-моз айғоқчилик ҳам қилганман.

Шундай қилиб, Чўл бўрисининг ташқи қиёфасига доир баъзи бир маълумотларга эга бўлдим. Биринчи бор қарашдаёқ, у мислсиз, камдан-кам учрайдиган ва фавқулодда қобилиятли инсон сифатида таассурот қолдирар, чеҳрасидан ақл, нур ёғилар, фавқулодда нозик

ва ҳаракатчан юз ифодасидан гайриоддий, ғаройиб, ҳассос руҳий ва маънавий ҳаёт барқ уриб турарди. Сухбат чоғида у баъзан, доим ҳам эмас, сал ошириб юборгудек бўлса ва азбаройи табиатан ғаройиблигидан ўзига хос сўзласа, шунда сиз билан биз унга сўзсиз қулоқ солишимизга тўғри келарди. Ҳақиқатан ҳам унда чин маънавиятли инсонлардагина учрайдиган кенг фикрлилик, билим, мақсадга мувофиқлик сингари фазилатлар бошқаларга караганда кўпроқ мужассам эди. Бундай тоифадаги кишиларга шухратпарастлик бегона, улар кўзга ташланиш, ўзларини бозорга солишу, бировга гапини маъқуллатиш фикридан йироқ юришади.

Шу ўринда бир ҳикматли фикр, уни ҳикматли деб ҳам бўлмайти, балки атиги биргина нигоҳ билан боғлиқ бўлган воқеани айтиб ўтмоқчиман. Нима бўлди-ю, машхур бир тарихчи-файласуф, Оврупода номи чиққан маданият мунаққиди маъруза қиладиган бўлиб қолди. Унга боришга Чўл бўрисини ҳам, гарчи унинг сира-сира иштиёки бўлмаса-да, аранг кўндиришга муваффақ бўлдим. Маърузани тинглашга бирга бордик, ёнма-ён ўтирдик. Нотик минбарга чиқиб, сўз бошлаши биланок, уни пайғамбардек кутиб олган баъзи бир тингловчиларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Нега десангиз, у олифтанамо, кеккайган қуруқ савлатнинг ўзи эди. Сўзини бошларкан, у тингловчиларга тилёғламалик қилиб, кўпчилик бўлиб келишгани учун миннатдорчилик изҳор қилди. Шунда Чўл бўриси менга ров қараб қўйди. Бу нигоҳда нотикнинг сўзлари-ю, унинг бутун шахсияти устидан кескин танкид зоҳир эди. О, бу шунақанги эсдан чиқмайдиган, шу қадар кўрқинчли нигоҳ эдики, унинг мазмун-моҳияти ҳақида бутун бир китоб ёзса бўларди! Нигоҳ ўзининг асосли, нозик кинояси билан нафақат нотикнинг ўзинигина танкид қилар, балки бу машхур одамни ер билан битта қилиб ташларди, бироқ бу ҳали ҳолва эди. Унинг карашида киноядан кўра кўпроқ изтироб, ҳаттоки тагсиз-тубсиз, ноумид кайғу-алам мужассам эди; сокин, бирмунча эҳтиёткорона, бир қадар шаклланган ва одат тусига кирган тушқунлик мазмун-моҳияти эди ушбу нигоҳнинг. Ана шу тушқунлик, умидсизлик нафақат ўзига бино қўйган нотикни, унинг бир оз такаббуруна

маърузасини, шу лаҳзадаги вазиятни, тингловчиларнинг кутган нарсаси ҳамда кайфиятини ёритиб берарди, йўқ, Чўл бўрисининг бу нигоҳи бутун давримизни, бутун инсоний ғимир-ғимир тадоригу ҳаракатларни, бутун амалпарастлик-мансабпарастликларни, бутун шуҳратпарастлигу ўзига бино қўйган, саёз, куруқ зарофатнинг юзаки ўйинларини нур янглиғ ёритиб, тилка-пора қилганди, – эҳ, афсуски, бу нигоҳ замонамизнинг, маънавиятимизнинг ва маданиятимизнинг камчиликларини умидсизликларидан ҳам кўра янада чуқурроқ, янада камровлироқ эди, – у бутун башариятнинг юрак-юрагига етиб борганди... У биргина сониянинг ўзидаёқ бир мутафаккирнинг, қолаверса, донишманднинг инсон ҳаётининг кадр-киммати ва умуман, маъноси хусусидаги бутун шубҳа ва гумонларини ҳам очиқ-ойдин ифодалаб бера олди. Бу нигоҳ: «Кўрдингми, биз ана шунақа маймунлармиз! Билиб қўй, одамзод ана шунақа!» дерди ва шу лаҳзада барча шон-шуҳрат, ақл-идроқ, унинг эришган барча ютуқ ва муваффақиятлари, юксакликка эришиш йўлидаги барча ҳаракат ҳамда уринишлари, Инсонга хос бўлган улуғворлигу бардавомлик ўпирилиб қулади ва буларнинг барчаси майнавозчиликдан ўзга нарсаси эмаслиги аён бўлиб қолди!

Бу билан мен, ўз режам ва истак-хоҳишимга зид равишда анча илгарилаб кетдим – Ҳаллер ҳақидаги бутун мазмун ва моҳиятни айтиб бўлдим, ҳисоб. Ҳолбуки, менинг ниятим унинг сувратини аста-секин, ҳикояма-ҳикоя тасвирлаш, қиёфасини босқичма-босқич очиб бериш эди. Шундай бўлгандан кейин энди Ҳаллернинг сирли «ғайриоддийлиги» ҳақида яна гапириб, батафсил тўхталиб ўтиришим ортиқча, инчунин камина мана шу ғайриоддийлигининг, мана шу фавқуллодда ва даҳшатли узлатнинг сабаб ҳамда мазмун-маъносини аста-аста англаб, тушуниб етганман. Менимча, шундай бўлгани маъқул, чунки ўзим имкон қадар парда ортида туриб, воқеани зимдан кузатмоқчиман. Мен ўз фикрларимни тикиштирмоқчи ёки ҳикоянавислик ё бўлмасам, руҳшунослик қилмоқчи эмасман, балки фақатгина бир гувоҳ, шоҳид сифатида Чўл бўриси ҳақидаги қўлёзмаларни қолдирган ўзига хос, галати бир инсоннинг суратига баҳолиқудрат чизгилар чизмоқчиман, холос.

Ўшанда у холамникига ойнаванд эшикдан илк бор кириб келганди. Ва бошини қушларга ўхшаб чўзиб, уйдан таралаётган муаттар хидни мақтагандаёқ, бу одамдаги ажиб бир жиҳат кўзга ташлангандики, бу нарса ўз навбатида менда қандайдир норозилик, нафрат ҳиссини уйғотган эди. Мен (ва мендан фарқли равишда ҳеч қандай закий инсон бўлмаган холам ҳам худди шуни сезганди) сездимки, бу одам бетоб, қандайдир руҳий касал ёки бўшанг, иродасиз шахс ва ундан ўзимни соғлом ҳис-туйғу, сезги билан ҳимоя қилдим. Бу ҳимояланиш вақт ўтиши билан унга нисбатан ҳамдардлик ва ачиниш-ла йўғрилган хайрихоҳлик билан алмашиниб борди, чунки унинг ёлғиз, кимсасиз, ғариблиги ҳамда доимий равишда ич-ичидан эзилиб, азобланиб юришига ўзим шахсан шоҳид бўлардим-да. Бу даврда менга унинг дарди табиатидаги қандайдир камчилик ёки қусурлар сабабли эмас, балки аксинча, ундаги бир-бири билан уйғунлашмаган бой туғма истеъдод ва кучқудрат орқасида намоён бўлаётгани бот-бот аён бўла борди. Мен Ҳаллер, Нитшенинг айрим фикрлари билан айтганда, ўзида ҳадсиз-худудсиз, даҳшатли азоб-уқубатга қодирликни шакллантирган чинакам изтироб даҳоси эканлигини англаб етдим. Айни пайтда ундаги умидсизликнинг асоси, негизи дунёдан нафратланиш эмас, балки ўз-ўзидан нафратланиш эканлигини ҳам англадимки, алалхусус, у муассасалар ва шахслар ҳақида аямасдан, очиқ-ойдин, ҳаттоки, уларнинг гўрига ғишт қалаб гапирган пайтида ҳам зинҳор-базинҳор ўзини истисно қилмас, биринчи ўқларни у доимо ўзига қаратар, энг аввало, ўзини ўзи нафратлар ва инкор этарди...

Шу ерда бир психологик эслатма кистириб ўтишимга тўғри келади. Гарчанд мен Чўл бўриси ҳаёти ҳақида кўп нарса билмасам-да, барибир унинг ота-онаси ва муаллимлари меҳр-оқибатли, шу билан бирга, талабчан, қаттиққўл ва ўта художўй, тақводор одамлар бўлганлигига аминман. Улар берган тарбия асоси «иродани синдириш»га қаратилганлиги маълум. Бироқ бу уриниш мазкур ўқувчида кутилган натижани бермаган; у хийла кучли, иродали, хийла мағрур ва ақлли бўлган. Иродани синдириш, шахсиятни йўқ қилишга йўналтирилган сабоқлар уни ўз-ўзидан нафратланишига

олиб келган. Шу тариқа у бор ҳаёти давомида ўзининг бутун таҳайюлий истеъдодини, бутун ақл-идрок, заковатини ўз-ўзига – мана шу беайб ва олижаноб вужудга қаратади. Чунки бу борада у ўтакетган насроний ва ўтакетган тақводор жафокаш эдиким, қўлидан келган ҳар қандай кескинликни, ҳар қандай танқидни, ҳар қандай қаҳру ғазабни, ҳар қандай нафратни у энг аввало ўзига қарши йўналтирарди. Бошқаларга – ён-веридаги одамларга келсак, у доимо қаҳрамонона тарзда ва ўта жиддий равишда уларни чин дилдан севишга, уларга нисбатан одил, адолатли бўлишга, уларнинг дилини оғритмасликка ҳаракат қиларди, чунки «яқин кишингни сев» деган жумла унинг вужуд-вужудига ўз-ўзига нафрат қанчалик сингган бўлса, шунчалик чуқур илдиз отган эди. Шундай қилиб, унинг бутун ҳаёти, ўз-ўзингни севмай туриб, яқин кишингни ҳам сева олмаслигинга далил, қолаверса, ўз-ўзига нафрат ҳам пировард натижада худди ўтакетган худбинлик янглиғ даҳшатли якка-ёлғизлик ва тушкунлик-умидсизликни келтириб чиқаришига яққол мисол бўлиб хизмат қиларди.

Ўрни келганда фикрларимни далиллар билан тўлдирарман. Ҳозирча эса, шуни айтишим мумкинки, қисман айғоқчилигим, қисман холамнинг кузатувлари бир бўлиб, Ҳарри Ҳаллернинг турмуш тарзини аниқлашга муваффақ бўлдим. Тез орада унинг муайян бир касб билан шуғулланмаслиги, тафаккур соҳиби ва китоб шинавандаси эканлиги маълум бўлди. У ўринда туш маҳалга қадар чўзилиб ётар, уйқудан тургач, эгнида халат билан ётоқ бўлмасидан хонасига томон бир-икки қадам юриб қўярди. Хона – қўшдєразали, кенг ва ёруғ болохона, аввалги ижарачилар турган пайтдагига қараганда энди бошқачароқ кўрина бошлаганди. Деворларга суратлар, журналлардан қирқиб олинган расмлар осилар, улар тез-тез алмашиниб турарди. Жануб манзараси акс этган расм, олмон шаҳарчасининг фотосурати, афтидан, Ҳаллернинг туғилиб ўсган юрти бўлса керак, яна қандайдир ранг-баранг акварел тасвирлар ҳам осиглиқ эди. Бу тасвирларни унинг ўзи чизганлигини биз кейин билдик. Ёш, гўзал бир аёл ёки қизнинг ҳам сурати бор эди. Деворда бир муддат Сиём Буддаси осиглиқ турди, кейин унинг

ўрнини Микеланжелонинг «Тун» асари эгаллади. Сўнг у ҳам ғойиб бўлиб, ўрнига Махатма Ганди¹ сурати илинди. Китоблар нафақат хонадаги катта китоб жавонини тўлдириб турар, балки ҳамма жойда – столлар устида, бежирим эски ёзув столи устида, диванда, курсилар устида, ерларда сочилиб ётарди. Китоблар орасига аллақандай қоғозчалар кистириб қўйилар, улар ҳам тез-тез ўзгариб турарди. Китоблар тобора кўпайиб борар, чунки у нафақат кутубхоналардан китоблар кўтариб келар, балки уларни почта орқали ҳам тез-тез олиб турарди. Хуллас, бу хонада яшаётган одам олим бўлса керак, деган тасаввур уйғонарди. Ҳаммаёқни сигара тутуни босиб кетар, сигара қолдиқлари ва кулдонлар ҳар ерда ётар, бу манзара ҳам шу фикрга мос тушарди. Бирок китобларнинг каттагина қисми илмий мазмунда эмас, балки турли-туман халқларнинг турли замонларда яшаб, ижод этган шоир ва адибларининг асарларидан иборат эди. У кўпинча кун бўйи чўзилиб ётадиган диван устида бир муддат ўн саккизинчи аср охирига тааллуқли бўлган «Софиянинг Мемелдан Саксонияга саёҳати»² номли асарнинг қалин-қалин олти жилдини кўриш мумкин бўлди. Афтидан, у Гёте ва Жейн Паулнинг, шунингдек, Новалис, Лессинг, Якоби ва Лихтенбергнинг тўлиқ асарлар тўпламларидан кўпроқ фойдаланарди. Достоевский асарларининг бир неча жилдлари ёзиб ташланган қоғозчалар билан тўла эди. Каттароқ стол устидаги кўплаб китоблар ва асарлар ўртасида кўпинча гулдаста турар, у ерда акварел (бўёқ) қутичаси ҳам бор эди, бирок уни қалин чанг босиб ётарди. Унинг ёнгинасида эса кулдонлар ва яна, яшириб нима қилдим, турли-туман шишаларда ичимликлар муҳайё эди. Атрофи похол билан тўкилган шишада кўпинча италияликларнинг кизил виноси бўлар, уни яқин атрофдаги дўкончадан олиб келар, баъзан бургунд ва малага виноси ҳам пайдо бўлиб қоларди. Бир гал олча ширасидан тайёрланган спиртли ичимлик шишасининг қисқа фурсат ичида анча бўшаб қолганига кўзим тушди. Шундан сўнг, у

¹ Махатма Ганди (1869–1948) – ҳинд сиёсатчиси, давлат ва жамоат арбоби.

² «Софиянинг Мемелдан Саксонияга саёҳати» – Йоханн Тимотеус Ҳермес (1738–1821) асари, беш жилдан иборат бўлиб, 1769–73 йй. Лайпцигда нашр этилган. (Шу ва бошқа барча изоҳлар таржимонники – М. А.)

охиригача ҳам ичилмасдан бир бурчақда чанг босиб қолиб кетди. Мен қилган бу айғоқчиликларим юзасидан ўзимни ўзим оқламоқчи эмасман, балки шуни ҳам очиқ айтишим керакки, аввалига унинг маънавий-маърифий қизиқишу ҳавасларга тўла бўлиб кўринган, аслида эса бемаъни, беҳуда ва бесамар ўтаётган ҳаёти менда шубҳа ва нафрат уйғота бошлади. Мен нафақат ўзига тўқ, тубжойли, бир маромда ҳаёт кечирувчи, ишга ва вақтни аниқ таксимлашга ўрганган одамман, балки спиртли ичимликларни умуман оғзимга олмайман, кашанда ҳам эмасман, шунинг учунми, Ҳаллернинг хонасидаги ўша турли-туман шишалар у ердаги хушманзара тўстўполондан ҳам кўра менга айри ботди.

Иши билан уйқуси қандай ўлда-жўлда бўлса, мусофирнинг ейиш-ичиши ҳам шунчалик тартибсиз эди. Баъзи кунлари у умуман ташқарига чиқмас ва нонуштага қаҳва билангина кифояланар, бошқа ҳеч нарса эмасди. Холам унинг нонушта қилган жойида банан солинадиган ликобчадан бошқа ҳеч вақо тополмасди. Бирок айрим кунлари у бинойидеккина, ҳашаматли ресторанларда, гоҳ шаҳар атрофидаги мўъжазгина қовоқхоналарда тамадди қиларди. Соғлиги ҳам яхши эмасди чамамда; зинадан чиқаётганида оёқларини базўр кўтариб босар, бундан ташқари уни бошқа аъзолари ҳам анча-мунча безовта қилар эди. Бир куни у менга йўл-йўлакай анча йиллардан буён овқатни яхши ҳазм қилолмаслиги, бунинг устига тиникиб ухлаёлмаслиги ҳақида гапириб берганди. Мен бунга сабаб унинг ичкилик ичишида деб билдим. Кейинчалик, мен у билан баъзан ресторанларга бирга борган пайтларимда, у винони тез, лик эткизиб ичиб юборишига гувоҳ бўлардим. Бироқ унинг маст бўлганини ё мен, ё бошқа биров ханузгача кўрган эмас.

У билан бўлган илк учрашувимиз сира ёдимдан чиқмайди. Биз бир-биримизни шунчаки, ижарада турадиган қўшнилар бир-бирларини қандай билса, шундай танирдик. Бир куни кечқурун ишдан уйга қайтаётган эдим. Биринчи ва иккинчи қаватлар ўртасидаги зина пиллапоясида ўтирган жаноб Ҳаллерни кўриб, ниҳоятда ажабландим. У зинапояннинг энг юқори поғонасида ўтирарди. Мени кўриб, йўл бериш учун бир томонга энгашди.

Шунда мен ундан, бирон жойингиз оғримаяптими, деб сўрадим. Юқорига чиқаётган бўлсангиз, ёрдамлашай, бирга чиқайлик, дедим. Ҳаллер менга худди уйқудан ҳозир уйғонгандек қараб турарди. Сўнг аста жилмайди, у ана шу ўзига ярашган, чиройли табассуми билан юракларни эзиб юборарди. Мени ёнига ўтиришга таклиф қилди. Мен унга миннатдорчилик билдириб, бошқа бировларнинг уйлари олдида зинапоёда ўтиришга одатланмаганлигимни айтдим.

– Ҳа-я, – деди у ва яна кўпроқ жилмайди. – Гапингиз тўғри. Лекин бирпас шошмасангиз, мен сизга бу ерда нима учун бир оз ўтириб қолишимнинг сабабини тушунтириб бераман.

У шундай деб, биринчи қаватдаги бир бева аёл турадиган хонадоннинг олд майдончасига ишора қилди. Паркет қопланган майдончада зинапоё, дераза ва ойнаванд эшиклар ўртасида баланд, устига кўҳна қалай қопланган, қизил ёғочдан ишланган жавон турар, жавон олдида – полда иккита кичкина, пастаккина поё устунчага ўрнатилган каттакон гултувакларда ажойиб манзарали ўсимликлар – азалия ва араукария барқ уриб ўсиб ётарди.

Ўсимликларнинг тоза, озодалигидан хонадон соҳибаси уларни эринмай, меҳр билан парвариш қилаётгани шундоққина кўриниб турар, уларга қараган сайин кўз қувнарди.

– Кўряпсизми, – сўзида давом этди Ҳаллер, – мана шу ўсимликлар ўсиб турган мўъжазгина олд майдонча ёнидан ўтаётганинда димоғингга анвойи, муаттар ҳидлар урилади. Шу сабабданми, бу ерда бир зум тўхтамасдан ўтиб кетолмайман. Сизларникида – холангиз хонадонида ҳам худди шундай саранжом-саришталик, покизалик ҳукм суради. Бироқ бу ерда ҳаммаёқ шунақанги тоза, озода, ялтиратиб артилганки, чанг-ғубор деган нарсадан асар ҳам йўқ. Бу ерда доим димоғимни тўлдириб нафас оламан – сиз ҳам шуни сезяпсизми? Полни ишқалаб артиш учун ишлатиладиган мумнинг, терпентин¹ мойи-ю қизил ёғочнинг, меҳр билан ювиб артилган ўсимликлар япроқларининг ҳидлари ўзаро қўшилишиб, шунақанги бир

¹ Терпентин – нинабаргли дарахтлар танасидан олинадиган қуюқ ширали елим бўлиб, унинг таркибидаги терпентин мойидан бўёқларни эритиш воситаси сифатида ҳамда уй-жойларни тозалашда фойдаланилади.

ажойиб бўй таратадики, буни мешчанларгагина хос бўлган озодалик, аниқлик, пухталиқнинг, бурчга садоқату, унивиждонан адо этишлиқнинг ёрқин намунаси деса бўлади. Бу ерда ким истиқомат қилишини билмадим, аммо лекин мана шу ойнаванд эшик ортида покизалиқ, саранжом-саришталик, батартиблиқ. бурч ва одатларга иккиланганнамо ҳамда таъсирчан берилишми, фидойилиқми, худди шунга ўхшаш жаннат ҳукмрон.

Мен жим қолганимни кўриб, у сўзида давом этди: Пичинг қиялпти, деб ўйламанг тагин! Азизим, мана шу мешчанлик ва тартиблилик устидан заррача кулмоқчи эмасман. Тўғри, ўзим бу дунёда эмас, ўзга бир оламда яшайман. Эҳтимол, мана шундай арауқариялар ўсиб ётган хонада бирор кун ҳам туролмасман. Лекин мен ўзим қариган, бир оз ночор Чўл бўриси бўлсам ҳам, барибир онанинг фарзандиман. Менинг онам ҳам худди шундай, келиб чиқиши оддий, мешчан аёл бўлган. Гуллар ўстирган. Хонадонга, зиналарга, мебел ва дарпардаларга кўз-қулоқ бўлиб, уйда ва турмушда ҳамиша тозалик, озодалик ва тартиб бўлиши учун тиришиб, ҳаракат қилган. Терпентин хиди ва барқ уриб ўсиб турган арауқария мана шуларни ёдимга солди. Бу ерда ўтириб, мана шу сокингина саранжом-саришталик бўстони томоша қиларканман, ана шундай маъволарнинг ҳали ҳам мавжудлигидан қувониб кетаман.

У ўрнидан турмоқчи бўлди, бир оз қийналди шекилли, ёрдамлашиб юборганимга индамай ройиш бўлди. Мен нима дейишни билмай турардим. Афтидан, бу ғалати инсон холамга ўхшаб, мени ҳам ўзининг аллақандай сеҳри билан чулғаб, ўзига ром қилиб олгандек эди. Биз зинадан икковлон жимгина юқорига кўтарилдик. Эшик олдида етгач, у қўлида калитни ушлаб тураркан, менга яна бир бор бошдан-оёқ разм солди-да, қувноқ оҳангда деди:

– Хизматдан келяпсизми дейман? Ҳа-я, бу нарса менга бутунлай қоронғу, биласиз-у, мен бир чеккада яшайдиган одамман. Аммо имоним комилки, сиз ҳам китоб ва шунга ўхшаш нарсаларга қизиқасиз. Холангиз айтгандилар, гимназияни тугаллаган экансиз, грек тилини ҳам дурустгина биларкансиз. Бугун эрталаб денг,

Новалисдан бир ҳикматли гап топиб олдим, кўрсатайми? Сиз ҳам кизиқиб коласиз.

У шундай деб, мени хонасига бошлади. Ичкари киришим билан димоғимга «гуп» этиб тамаки ҳиди урилди. У уюм бўлиб ётган китоблар орасидан биттасини суғуриб олди-да, варақлай кетди.

– Буям яхши, жуда яхши гап, – деди у. – Эшитинг-а: «Азобланишдан фахрланиш лозим – ҳар бир азоб-уқубат бизга унвонимиз юксаклигини эслатади.» Ажойиб! Нитшедан саксон йил олдин айтилган! Бироқ бу мен сизга айтмоқчи бўлган ибора эмас – шошманг – ҳозир кўрсатаман. Демак: «Кўпчилик инсонлар ўргангунларига қадар ҳам тезроқ суза қолишни истамайдилар.» Кулгили-а? Албатта, сузишни хоҳлашмайди-да! Улар ахир сувда эмас, ерда яшаш учун туғилган-ку. Ва албатта ўйлашни ҳам ишташмайди; улар яшаш учун яратилган, ўйлаш учун эмас! Ҳа, агар кимки нукул ўйлайверса, тафаккурни моҳият деб билса, у албатта, кўп нарсага эриша олади, бироқ шу билан бирга, ер билан сувни алиштириб юбориб, чўкиб кетиши ҳам ҳеч гапмас.

У мени ўзига жалб қилиб олган, қизиқтириб қўйганди. Шу боисданми, унинг олдида бир оз ушланиб қолдим. Ўша кундан бошлаб, зинада ё кўчада учрашиб қолсак, оз-моз хангамалашиб турадиган бўлдик. Аввалига у менга, худди араукария ҳақида суҳбатлашган пайтимиздагига ўхшаб, киноя-пичинг билан гапираётгандек туюлаверди. Аслида эса ундай эмасди. У араукарияга нисбатан қандай бўлса, менга ҳам худди шундай ҳурмат-эҳтиром кўрсатарди. У ўзининг ҳад-худудсиз, таг-тубсиз ёлғизлиги-ю, ҳатто сувда сузиб юриши хусусида ҳам шу қадар имони комил эдики, кундалик ҳаёт ҳаракат-ташвишларига, масалан, менинг ишга аниқ, ўз вақтида бориб-келишимга кўзи тушиб қолса ёки хизматкор оқсоч ё бўлмасам, трамвай кондуктори бирор фикр-мулоҳаза билдирса ҳам, у ҳеч қандай киноя-кесатиксиз, бундан самимий таъсирланиб, тўлқинланиб кетарди. Бошида менга унинг хожалардек беғам-беташвиш ялло қилиб юриши, ножиддий эрка-тантиклиги, гапнинг очиғи, кулгили ва муболағали бўлиб туюлганди. Бироқ бора-бора мен унинг ҳақиқатан ҳам бизнинг майда, мешчан дунёмизни

Ўзининг бўшлиқ оламидан – ёт, нотаниш, Чўл бўрисигагина хос бўлган маъводан туриб кузатиб, ҳайратланишини, севишини аста-секин билиб олдим. Бу эса унга мустаҳкам ва ишончли, олис ва эришиб бўлмайдиган, ватан ҳамда тинчлик рамзи бўлиб туюлар эдиким, буларга, афсуски, унинг йўли айри тушган эди. У янги кўчиб келган кўшни хотин – бамаъни аёл билан ҳар гал рўпара келганида, бошидан қалпоғини олиб, ҳурмат-эҳтиром билан саломлашарди. Холам у билан баъзан бир оз суҳбатлашган ёки унинг нарсаларидаги айрим жузъий камчиликларни, айтайлик, пальтосидаги осилиб қолган тугмани кўрсатган пайтларида, у ажиб бир эътибор билан кулоқ солар, бундай пайтларда унинг хижолатдан ерга киргудек бўлиб кетганлигини сезиб олиш қийин эмасди.

Ўша, араукария ҳақидаги илк суҳбат чогидаёқ у ўзини Чўл бўриси деб атаганди. Бу албатта менга ўшанда бир оз ғалати туюлган эди. Шунақаям таъриф-тавсиф бўладими ахир? Лекин кейинчалик мазкур иборага шунчалик кўникиб кетдимки, тез орада Чўл бўриси деган ном фикр-хаёлимда турғун бўлиб қолди ва бугунги кунга келиб ҳам бу ходисани бундан бошқа бир тузукроқ, дурустроқ ном билан ифодалаб беролмасам керак. У шаҳарга – одамлар орасига оралаган, галасидан адашган Чўл бўриси эди. Унинг якка-ю ёлғизлиги, ёввойилиги, бесаранжомлиги, ватанини соғиниши, қўмсаши ва дарбадарлигини бундан-да ортиқроқ ном ёки таъриф билан тавсифлаб бўлмас эди.

Бир куни кечкурун симфония концертига тушгандим. Кутилмаганда уни кўриб қолдим. У менинг шундоқ яқингинамда ўтирар, бироқ мени кўрмасди. Уни анчагина кузатишга муваффақ бўлдим. Аввал Ҳенделнинг гўзал ва ажойиб мусиқаси ижро этилди. Бироқ Чўл бўриси ўзи билан ўзи овора, на мусиқага, на атрофидагиларга эътибор қилар, ўзи ёлғиз, ёт, лоқайд, аммо ўйчан, серташвиш қиёфада пастга қараб ўтирарди. Шундан кейин Фридеман Бахнинг кичик симфонияси янгради. Шу пайт унга қараб, таажжубдан қотиб қолдим: мусофирим бир неча тактдан сўнг ўзича кулимсиради, кейин хаёл уммонига бутунлай ғарк

бўлди шекилли, ўзи билан ўзи андармон бўлди. Мен энди мусиқа бу ёқда қолиб, унга кўпроқ эътибор бера бошладим. Чамаси, у ёқимли, оромбахш орзулар оғушида сузар, кайфи чоғ, бахтиёр ва масрур кўринарди. Бу ҳол ўн дақиқадан мўл давом этди. Мусиқа ниҳоясига етгач, у ўзига келди, тўғри ўтириб олди. Бир ўрнидан турмоқчи ҳам бўлди, йўк, яна жойида ўтирганича мусиқа тинглай бошлади. Бу галгиси Регернинг вариациялари¹ бўлиб, кўпчиликда оғир ва зерикарли таассурот қолдирди. Уни диққат билан тинглай бошлаган Чўл бўриси ҳам энди қўлларини чўнтагига тикиб, бўшашиб қолганди. Унинг юз-кўзида бояги сурурдан асар ҳам қолмаган, аксинча, қовоқ-тумшуғи осилган, қаримсиқ, рангпар ва домангир киёфада эди.

Концертдан сўнг уни кўчада яна кўриб қолдим ва ортидан юрдим, у пальтосига ўралиб олганича дилгир ва ҳорғин киёфада мавзеимиз томон аста қадам ташлаб борарди. Эскича урфда қурилган меҳмонхона-ресторан олдидан ўтаётиб, тўхтади. Ҳардамхаёллик билан соатига қаради-да, ичкарига кирди. Азбаройи кизиққанимдан мен ҳам унинг ортидан эргашдим. У мешчанларга хос киёфада стол атрофида ўтирар, бека ва официант уни эски танишлардек кутиб олишганди. Салом бериб, унинг ёнига ўтирдим. Орадан бирор соат вақт ўтди. Мен бу орада икки қадах маъданли сув ичдим, у эса олдин яримта, кейин яна чорак литр қизил вино буюрди. Унга концертга тушганимни эслатдим, бироқ у бунга жавобан лом-мим демади. Маъданли сув шишасидаги ёрликни ўқий туриб, вино ичиш-ичмаслигимни сўраб, лутфан таклиф қилди. Вино ичмаслигимни эшитгач, яна ночор аҳволда қолди.

– Ҳа, тўғри қиласиз, – деди у. – Мен ҳам узок йиллар давомида нафсни тийиб яшаганман, кўп вақт рўза ҳам тутганман. Бироқ ҳозир эса яна қорамтир ва рутубатли Далв буржи остида яшаяпман.

Мен шунда ҳазиллашиб, унинг илми нужум – астрологияга ишонишига ҳам унчалик ишонқирамаслигимни билдиргандим, у яна юракни эзадиган хушмуомалалик билан деди:

¹ Вариация – бир музикавий мавзунинг айрим унсурлар – ритм-оҳанг ва уйғунлик ўзгариши натижасида юзага келган кўриниши.

– Тўппа-тўғри, бу илмга ҳам, афсуски, ишона олмайман.

Мен у билан хайрлашиб, уйга кетдим. Бу оқшом у жуда кеч қайтди, аммо қадам ташлаши одатдагидек эди, ҳамишагидек дарҳол ётақолмади (хоналаримиз ёнма-ён эмасми, буни аниқ билдим) – хонасида бирор соат давомида чироқ ёниқ турди.

Яна бир бошқа оқшом ҳам эсимда қолган. Ўшанда уйда холам йўқ, ўзим ёлғиз эдим. Эшик кўнғироги жиринглаб қолди. Очсам, остонада ёш, келишган бир хоним турарди. Жаноб Ҳаллерни сўрагач, уни таниб қолдим: хонада осифлик турган суратдаги аёл эди. Унга эшикни кўрсатдим. Бир оздан сўнг, уларнинг бирга зинадан пастга тушиб, бир-бирлари билан ҳазиллашиб, чакчақлашиб, ўзаро суҳбатлашиб бораётганликлари қулоғимга чалинди. Мен бу дарвешнинг шу қадар ёш, гўзал ва келишган маҳбубаси борлигидан таажжубга тушдим. Ва унинг ҳаёти ҳамда ўзи ҳақидаги барча фараз, тахмин, гумонларим тушунарсиз, айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бироқ орадан бирор соат ўтар-ўтмас у зинани оғир қадамлар билан бир-бир босиб уйга ёлғиз, ғамгин кириб келди. Хонасида ўша оқшом то тонгга қадар чироқ ўчмади – бамисоли қафасга қамалган бўридек соатлаб бедор юриб чиқди.

Мен уларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари ҳақида ҳеч нима билмайман. Фақат бир нарсани кўшимча қилмоқчиман: мен уни ўша аёл билан яна бир бор шаҳар кўчаларидан бирида бирга бораётганида кўрдим. Улар қўл ушлашиб боришар, у ҳам бахтиёр эди, шунда мен беихтиёр, бу одамнинг ташвишли қиёфасида вақти келса қанчалар жозиба, болаларча соддалик ҳам мужассам бўла олар экан-а, дея баттар таажжубландим ва холамнинг унга бўлган хайрихоҳлигини ҳам, ўша аёлни ҳам тушунгандек бўлдим. Лекин ўша куни ҳам у уйга кечқурун бир аҳволда, маънос ва маҳзун кириб келди; мен уни уй эшиги олдида учратдим. У, гоҳи-гоҳида бўлганидек, ўша куниям пальтоси остида итальян виноси шишасини тутиб турарди. Ва кулбасида ярим тунгача ўша аёл билан бирга бўлди. Унга раҳмим келарди. Нақадар ночор, тушкун ва ожиз эди унинг ҳаёти!..

Бас, етар. Энди Чўл бўрисининг ўз жонига қасд қилган кишидек турмуш кечириётганини тасвирлаб, бу ҳақда ҳикоя қилиб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ, деб ўйлайман. Бироқ нима бўлгандаям, мен унинг кунларнинг бирида кутилмаганда барча қолган қарзларини тўлаб ва хайр-маъзурни насия қилиб, шаҳримиздан тўсатдан ғойиб бўлганидан кейин ўз ҳаётига зомин бўлган, деган фикрдан йироқман. Шундан кейин ундан ҳеч қандай хат-хабар бўлмади, фақат унинг номига бир нечта мактуб келди ва биз уларни ҳамон асраб, сақлаб келаяпмиз. Ундан бизникида яшаган пайтида ёзилган қўлёзмадан бошқа ҳеч вако қолмаган. У қўлёзмани менга қолдириётгани, уни нима қилишим менинг ихтиёримда эканлиги хусусида бир-икки сатр дастхат ҳам илова қилган.

Ҳаллернинг қўлёзмасида баён этилган воқеа-ҳодисалар мазмун-моҳияти жиҳатидан воқеликка қанчалик тўғри келиш-келмаслигини тафтиш қилиб ўтиришнинг иложи йўқ эди. Шундай бўлса-да, унинг каттагина қисми ҳаёлот маҳсули эканлигига шак-шубҳам йўқ. Бироқ ана шу тўқималар атайин ўйлаб топилган уйдирмалар эмас, балки бошдан кечирилган чуқур руҳий кечинмаларни муқаррар, рўй берган воқеалар либосида маънодор, жонли ва ифодали тасвирлаб беришга бўлган уриниш эди. Ҳаллернинг қўлёзмасидаги қисман ҳаёлий кечинмалар унинг бизникида яшаган даврдан ҳикоя қиладики, уларнинг замирида, шак-шубҳасиз, воқелик мужассамдир. Ўша даврда мижозимизнинг рафтори ва юриш-туриши ўзгариб қолган, кўпинча уйда бўлмас, баъзан кечалари ҳам келмай қолар, китоблари ҳам мутлақо қўл текизилмай, қолиб кетарди. Уни гоҳо учратган пайтларимда эса, у ниҳоятда жўшқин ва ёшариб кетгандек, баъзан ҳаттоки, хурсанд-шодон ҳам кўринарди. Шундан сўнг, ундаги оғир руҳий сиқилиш ҳолатини кузатишимга ҳам тўғри келди. У бир неча кун ўрнидан қўзғалмай, туз тотмасдан ётиб қолди. Ўша кунлари яна пайдо бўлиб қолган маҳбубаси билан бутун уйни бошларига кўтариб, қаттиқ даҳанаки жанг ҳам бўлиб ўтди. Бунинг учун Ҳаллер эртасига холамдан кечирим сўраган.

Йўқ, у ўз жонига қасд қилмаган. Бунга имоним комил. У ҳамон яшаб юрибди. Аллақаерларда, аллақайси бегоналарнинг уйларидаги зиналардан хориб-тўзиб чиқиб-тушиб юргандир, ялтиратиб артилган паркет полларга, меҳр билан парвариш қилинаётган араукарияларга суқланиб боқаётгандир, кундузлари кутубхоналарда китоб титиб, тунларни ресторанларда ўтказаётгандир, ижара уйлардаги диванларда ётиб юргандир, эҳтимол. Ким билсин, дераза олдида туриб, кенг оламини, одамлар ҳаётини кузатаётгандир, бунда ўзини ортикча сезса-да, ўз жонига жабр қилмаётгандир. Инчунин, ундаги ўз-ўзига ишонч уни бу азобни, бу машъум изтиробни умрининг поёнига қадар бошдан кечиришга ундайди. Мен уни бот-бот эслаб тураман. У менинг ҳаётимни енгиллаштирмади, балки аксинча, на вужудимдаги куч-қудратни ўстирди, на дилимдаги шодонликни бисёр этди! Лекин мен у эмасман ва унга ўхшаб яшай олмайман, балки ўзимнинг майда ва мешчанларга хос бўлган, бироқ бадастир ва бурчга тўла турмуш тарзим бор. Шундай қилиб десангиз, биз – холам иккаламиз уни хотиржамлик ва дўст-биродарлик туйғулари билан эсга оламиз. Мендан кўра ҳам холам унинг ҳақида кўпроқ билади, бироқ буни хайрихоҳ қалбида пинҳон тутаяди. Ҳаллернинг эсдаликларига келсак, уларни ғалати, ғаройиб, антиқа, қисман алам-изтиробли таассуротлар, қисман гўзал ва мазмундор, серфикр ҳаёлий асар ҳам дейиш мумкин. Очиғини айтишим керак, борди-ю, бу варақлар қўлимга тасодифан тушиб қолганида ёки уларнинг муаллифи менга нотаниш бўлганида эди, мен уларни аччиқ устида ташлаб юборган ҳам бўлардим. Лекин Ҳаллер билан бўлган танишлигимиз туфайли уларни қисман тушунишимга ва маъқуллашимга имкон туғилди. Агар мен бу эсдаликларда фақатгина ёлғиз бир бечора руҳий бемор одамнинг ғайритабиий ҳаёлий уйдирмаларинигина кўрганимда эди, уларни бошқаларга ҳавола этишдан ўзимни тийган бўлардим. Бироқ мен уларда кўпроқ нарсани – маълум бир даврга хос ҳужжатни кўраяпман, десам муболаға бўлмайди, чунки Ҳаллернинг руҳий хасталиги – буни мен бугун аниқ биламан – танҳо бир шахсгагина хос бўлган

эмас, балки у муайян бир даврнинг, замоннинг дардидир. У ўша, Халлер мансуб бўлган авлоднинг асаб хасталигидирким, унга ҳеч қачон кучсиз, нимжон ва норасо шахслар эмас, балки кучлилар, энг ақлли, қобилиятлиларгина чалинган кўринади.

Мазкур хотиралар – улар замирида воқелик қанчалик – кўп ё оз бўлмасин, барибир – катта бир давр хасталигини четлаб ўтиш ва бўяб-бежаш орқали эмас, балки шу хасталикнинг ўзини тасвир мавзуига айлантириш йўли билан бартараф этишга бўлган уринишдир. Улар, айнан дўзах бўйлаб, ғамгин руҳий оламнинг тартибсизликлари узра дам кўрқув, дам жасорат билан қўйилган қадамларга ўхшайди; бу ҳаракатлар замирида шу дўзахни босиб ўтиш, тартибсизликларга зарба бериш ва азоб-мусибатни охирига қадар тотиш, тортиш истаги ётади.

Халлернинг бир гапи шуни англаб-тушуниб етишимга қалит бўлиб хизмат қилди. Бир куни у билан ўрта асрдаги ваҳшийликлар тўғрисида суҳбатлашиб ўтиргандик, шундай деб қолди:

– Бу ваҳшийликлар аслида ҳеч гап эмас. Биласизми, ўрта аср одами бугунги ҳаётимизнинг бутун услубидан даҳшатли, ваҳшиёна ва варварларча деб эмас, балки бундан бутунлай бошқачарок нафратланган бўларди! Ҳар бир давр, ҳар бир маданият, ҳар бир урф-одат ва анъана ўз услубига, унгагина тегишли бўлган оғир ва енгилликларга эга. Маълум бир азоб-укубатларни табиий, шундай бўлиши керак, деб ҳисоблайди, маълум бир кулфат-мусибатларни сабр-чидам билан қабул қилади. Одамзоднинг ҳаёти икки замон, икки давр, икки маданият ва динлар бир-бири билан тўғри келиб қолгандагина ҳақиқий азобга, дўзахга айланади. Антик давр одами, агар ўрта асрда яшашига тўғри келганда борми, бизнинг тамаддунимизга тушиб қолган ёввойи қандай бўғилса, у ҳам шундай аянчли тарзда бўғилган бўларди. Шундай замонлар бўладики, бутун бир авлод икки давр, икки ҳаёт услуби орасига тушиб қолади, натижада унинг ҳар қандай табиийлиги, ҳар бир урф-одати, хотиржамлиги ва бегуноҳлиги изсиз йўқолади. Албатта, буни ҳар ким ҳам бирдек ҳис қилавермайди. Нитшедек инсон бугунгидек кулфатни бир авлод умридан зиёд олдинроқ

бошидан кечирган – у ёлғиз ўзи тушуниб-тушунмай бошидан кечирган нарсани бугунги кунда минглаб кишилар ўз бошидан кечирмоқдалар.

Эсдаликларни ўқиётган пайтимда бу сўзларни тез-тез эслашимга тўғри келди. Ҳаллер ана шундай икки давр орасига тушиб қолган, барча хотиржамлигу гуноҳсизлигидан мосуво бўлган инсонлар сирасига киради. Унинг қисмати ўз шахсий изтиробларидан ҳам кўра инсон ҳаётининг барча шубҳа ва гумонларини ўз бошидан кечиришдан иборат эди.

Унинг эсдаликларининг биз учун аҳамиятли бўлиб туюлган тарафи ҳам шунда бўлса керак, деб ўйлайман. Худди шунинг учун ҳам уларни сизга ҳавола этишга қарор қилдим. Қолаверса, мен уларни оқламоқчи ё қораламоқчи ёки бўлмасам, улар устидан бирор ҳукм чиқармоқчи ҳам эмасман – бу энди ҳар бир ўқувчининг ўз виждониға ҳавола!